Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 9-aprel, seshanba № 45 (3238)

9 апрел — Амир Темур таваллуд топган кун

Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида 1996 йилнинг 18 октябрида барпо этилган Темурийлар тарихи давлат музейи биз ёшларнинг маънавиятимизни оширишда, буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиб улғайишимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Тарихимиз кўзгуси бўлмиш ушбу масканда 4 та – «Фонд ва архив», «Маънавият ва маърифат», «Экскурсиялар ҳамда Экспозицияни илмий лойиҳалаш» ва «Бадиий безаш» бўлимлари мавжуд бўлиб, ўтган давр мобайнида халқимизнинг севимли зиёратгоҳига айланди. Айни пайтга қадар бу ерга ташриф буюрганлар сони 2 млн. дан ошиб кетди.

Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг кучқудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Ислом КАРИМОВ

Аҳмад ТЎРА олган сурат

УЗУКНИНГ ЁҚУТ КЎЗИ

Музей хазинасида мамлакатимиз тарихини акс эттирувчи ашёлар — Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид ноёб қўлёзмалар, ёзишмалар, кумуш ва мис тангалар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, Гўри Амир мақбараси ҳамда Бибихоним масжидидан топилган ашёлар, китоблар, этнографик буюмлар ва кўплаб топилмалар мавжуд. Тўпланган ноёб ашёлар авайлаб сақланиб, кенг жамоатчиликка намойиш этилади. Улар асосида Темурийлар даври тарихининг очилмаган қирраларини ўрганиш мақсадида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Музей хазинасида тўпланган экспозиция ва кўргазмаларда намойиш этилаётган ноёб ашёлар, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ушбу гўшанинг ҳам илмий нуқтаи назардан, ҳам меъморий жиҳатдан ноёб иншоот эканлигидан далолат беради.

Темурийлар тарихи давлат музейи бугунги кунда асосий музейшунослик илмий-услубий марказига айланди. Кенг кўламдаги тадбирлар ва кўргазмаларни ташкил этишда асосий таянч вазифасини адо этаётгани ҳам табиий ҳолдир.

Музейга хорижий давлат арбоблари, расмий делегациялар ҳам тез-тез ташриф буюришади. Улар Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи билан танишиб, ўлкамиз ва халқимиз ҳаёти ҳақидаги тушунчаларини бойитишади. Жумладан, музейга жаҳоннинг турли давлатларидан 700 дан ортиқ расмий меҳмонлар келган бўлиб, «Музейнинг фахрий меҳмонлар китоби»га уларнинг таассуротлари, самимий дил сўзлари муҳрлаб қўйилгандир. Шу асосда музейда «Дастхатлар» кўргазмаси яратилди.

Шунингдек, музейда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш мақсадида юбилейлар, тарихий саналар, байрамлар муносабати билан 150 га яқин маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Музейда соҳибқирон Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек таваллуд кунлари, Ватан ҳимоячилари куни, Мустақиллик куни, Конституция куни каби байрамларга бағишланган тадбирларни мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабалари билан биргаликда ўтказиш анъанага айланган.

Хусусан, Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицей ҳамда Республика ихтисослаштирилган санъат ва мусиқа академик лицейи билан ҳамкорликда «Маънавиятимиздаги буюк сиймо», «Халқимизнинг беназир алломаси» мавзуидаги давра суҳбатлари ўтказилди.

Саёҳатимиз давомида Темурийлар тарихи давлат музейи касаба уюшмаси қўмитаси фаолияти билан қизиқдик.

— Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, музей маъмурияти касаба уюшмасининг ишига яқиндан ёрдам бериб келмоқда, — дейди касабақўм раиси Сурайё Ўлжабаева. — Жумладан, жамоа шартномасига кўра, раҳбарият томонидан ходимларга бир йилда икки марта энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида моддий ёрдам бериляпти. Касаба уюшмаси томонидан 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан аёлларга совғалар топширилди. Ёшларнинг дам олиши ва спорт билан шуғулланишини яхшилаш мақсадида музей касаба уюшмаси томонидан мунтазам равишда сув спорти саройига чипталар харид қилиниб, ходимларга бепул тарқатилади. Шунингдек, ходимларнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳрига саёҳати ҳам унутилмас бўлди. Жорий йилда ҳам бу анъаналарни давом эттирамиз.

Музей жамоаси маънавият кошонасини юртимизда Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганувчи ва тарғиб қилувчи асосий маънавий-маърифий, илмий марказга айлантириш, экспозициясини темурийлар даври тарихига оид ёдгорликлар билан бойитиш, чет эл музейлари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, улар билан ҳамкорликда кўргазмалар ташкил этиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.

Мафтуна АҲМЕДОВА,
«Ishonch» мухбири

Янгиликлар оқимидан

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва бир қатор ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида «Меҳр билан тайёрланган» деб номланган ҳунармандлик кўргазмаси ташкил этилди.

МЕҲР БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг 150 нафардан ортиқ уста ва ҳунарманди ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

Кўргазмадан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизнинг турли ҳудудларида меҳнат қилаётган ҳунармандлар, уларнинг шогирдлари ижодини халқимиз, кенг жамоатчиликка яқиндан таништиришдан иборатдир.

Икки кун давом этган кўргазма доирасида уста-ҳунармандлар ва буюртмачилар ўртасида кўплаб шартномалар имзоланди.

Тошкент Давлат юридик институтида Амир Темур таваллуд кунига бағишлаб илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

КУЧ — АДОЛАТДА

Институт ректори Омонулла Муҳаммаджонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, профессор Ҳалим Бобоев, Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тарихимизни чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Ана шундай эзгу ишлар самарасида бошқа буюк алломаларимиз қатори бобокалонимиз Амир Темур шахси, жаҳон тарихидаги ўрни, халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари қадр топди.

Тадбирда Амир Темурнинг адолатли давлат ва бошқарув тўғрисидаги қарашлари, Темурийлар даврида илм-фаннинг юксалиши, «Темур тузуклари»нинг ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

АНДИЖОН

Андижон вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази минтақавий бўлими ҳамкорлигида «Ёшлар ва хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш муаммолари ва уларнинг ечимлари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Туман ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, ФҲДЁ бўлимлари мудирлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, олимлар иштирок этган мазкур анжуманда ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоялашнинг қонуний асослари, оилавий муносабатларни тартибга солишда «Оила» кодексининг ўрни ва аҳамияти, маҳаллаларда ёшлар ва хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини оширишда участка профилактика инспекторларининг роли каби мавзуларда маърузалар тингланди. Мазкур йўналишларда вилоятда олиб борилаётган ишлар, истиқболдаги вазифалар муҳокама этилди.

Тадбирда хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини мустаҳкамлашда маҳалла фаоллари, ички ишлар бўлимлари, кенг жамоатчилик ҳамкорлигида тушунтириш ишларини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

ЎзА

СУРХОНДАРЁ

Яқинда Олтинсой туманида ишлаб чиқарувчи корхоналар сони яна биттага кўпайди. Бобур номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида шағал саралаш заводи ишга туширилди.

КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

— Шу пайтгача қурилиш корхоналарининг ишида бирламчи бўлган зарурий ҳом ашё — бетон қуйиш учун сифатли сараланган тош ва қум билан таъминлаш муаммо бўлиб келарди, — дейди туман ҳокими Ҳолмамат Саматов. — Мана энди соатига 80 тонна шағал саралаш заводи ишга туширилиб, дастлабки маҳсулотини чиқара бошлади. Мазкур заводга тажрибали қурувчи Мамаюсуф Жабборов раҳбарлик қилмоқда. Муҳими, 10 нафар фуқаро иш жойига эга бўлди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ахборот

Кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Уни ЎзКУФК раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилиш аввалида ташкилий масала кўрилди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси вазифасида ишлаб келган Бахтиёр Маҳмадалиев ЎзКУФК раиси ўринбосари этиб сайланди.

Шунингдек, «2013 йилги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ёзги мавсумига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида»ги масалага атрофлича тўхталиб ўтилди. Хусусан, болаларни ёзги соғломлаштириш йўналишида ўтган йиллар давомида янгича ёндашув асосида тизимли ишлар амалга оширилгани ҳамда бу борадаги ишлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Жумладан, ўтган йилда 60 та ихтисослаштирилган оромгоҳлар ташкил этилган бўлса, жорий йилда оромгоҳлар йўналишлари кенгайиб, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда қўшимча равишда экологик-биологик, ўлкашунослик ва техник ижодкорлик йўналишларидаги оромгоҳларни ташкил этиш режалаштирилиб, меҳнат ва дам олиш оромгоҳларининг сонини ошириш кўзда тутилгани қайд этилди. Ёзги соғломлаштиришни юқори савияда ташкил этиш борасидаги ишлар жадал олиб борилаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда яна бир қатор масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Давра суҳбати

Юқори ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшма қўмиталари билан яқин ҳамкорлиги, зарур ҳолатларда қуйи бўғиннинг қўллаб-қувватланиши айни вақтдаги тизимни такомиллаштириш жараёнида ниҳоятда қўл келмоқда. Машинасозлик саноати соҳалари республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан Тошкент шаҳридаги тармоқ касаба уюшмаси тизими етакчи ҳамда фаоллари иштирокида ўтказилган давра суҳбати ҳам бунинг яққол исботи бўлди.

ЮҚОРИ НАТИЖА

ҳамкорликда ишлашга боғлиқ

— Соҳада амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар жараёнида асосий эътибор бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилмоқда, — деди йиғилишда сўзга чиққан бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шоикром Исроилов. — Бу борада бошланғич ташкилотлар етакчиларига атрофлича тушунча берилиши муҳим аҳамиятга эга. Бундан олдин Фарғона, Андижон ҳамда Наманган вилоятларида ҳам шундай тадбирларни ўтказгандик.

Дарҳақиқат, ҳозирда нафақат меҳнаткашларни ҳар томонлама ҳимоялаш, балки янги иш ўринлари яратиш, касаначилик, маънавият соатларини ташкил этиш, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда «Устоз-шогирд» тизимини йўлга қўйиш каби қатор ўта долзарб вазифаларда ҳам жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Шунингдек, йиғилишда Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нуршод Ғиёсов, бирлашма кенгашининг бош ҳисобчиси Маҳмуд Ўрмонов, ижтимоий суғурта бўлими мудири Марҳабо Яҳёева, тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши бўлим мудири Шодия Аюпова ва бошқалар сўзга чиқиб, молиявий ишлар, ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан сиҳатгоҳларга йўлланмалар олиш ва ташкилий ишларни йўлга қўйиш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Бошланғич ташкилотлар етакчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Жараён

Ҳадемай Урганч кўчаларида янги русумдаги троллейбуслар аҳолига хизмат кўрсата бошлайди. Бу мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги байрамига ўзига хос туҳфа бўлади.

ЯНГИ ТРОЛЛЕЙБУСЛАР КЕЛТИРИЛАДИ



Сўнгги русумда ишлаб чиқарилган «Шкода 24 Т» троллейбуслари йўловчи транспортининг тежамкорлиги шундаки, илгари битта троллейбус учун кунига 1200 киловат электр энергияси сарфланган бўлса, эндиликда бу рақам 600 киловатни ташкил этади, яъни икки баравар тежамкорликка эришилади. Битта қатнов давомида ушбу транспорт хизматидан бир йўла 91 нафар йўловчи фойдаланиши мумкин. Шунингдек, троллейбус қатновининг оралиқ вақти 15-20 дақиқани ташкил этади.

— Қувончли воқеа олдидан таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. А.Баҳодирхон, Ал-Хоразмий, «Тинчлик» ва «Зарафшон» кўчалари бўйлаб 2400 метр троллейбус сим тармоқлари монтаж қилиниб, 34 та таянчлар ўрнатилди, — дейди Хоразм троллейбус бошқармаси раҳбари Руслан Рўзметов. — Олдинлари ушбу йўловчи транспортларимиз иш куни тугагач, шаҳримизнинг турли бурчакларида қолиб кетарди. Эндиликда троллейбуслар бошқармага киритилиб, техник хизмат кўрсатиш таъминланади.

Шунингдек, бошқарма паркини капитал таъмирлаш, биринчи навбатда троллейбусларга техник хизмат кўрсатиш, ювиш бўлими ҳамда маъмурий бинони таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда.

18 нафар ҳайдовчини «Рашид Довуд транс» ҳайдовчилар тайёрлаш корхонасида 6 ой давомида ўқитилиб, вилоят ички ишлар бошқармаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларидан рўйхатдан ўтказилди.

Ўғилжон РАҲИМОВА

Ishonch
2013-yil 9-aprel № 45 (3238)

Етакчи минбари

БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Касаба уюшма соҳасида кўп йиллардан буён ишлайман. Меҳнат фаолиятимни бошлаган пайтларим билан ҳозирги ҳолатни асло қиёслаб бўлмайди. Сирасини айтганда, бугуннинг талаби бошқача. Касаба уюшмалари тизимидаги ислоҳотлар фаолиятимиз мазмун-моҳияти, самарадорлигини оширишга ундамоқда. Такомиллашув қуйи ташкилотлар имкониятининг ҳар томонлама кенгайишига, меҳнат аҳли ва уларнинг оила аъзолари манфаатига хизмат қиляпти.

Корхонамиз фаолият бошланганига 100 йилдан ошган. Мустақиллик шарофати билан амалга оширилган модернизация туфайли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортиб, сифати ҳам халқаро талаблар даражасига етди. Иш қўламини кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, кадрлар малакасини ошириш, ходимларга хавфсиз ва қулай меҳнат шароити яратишга эътибор йил сайин ошириляпти.

Жамоамизда 508 нафар ходим ишлайди. Уларнинг 21 нафари ўтган йили ишга қабул қилинган бўлиб, асосий қисми коллеж битирувчиларидир. «Устоз-шогирд» анъаналари тобора мустаҳкамланиб боряпти.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари жамоа шартномасида қайд этилган талаблар даражасида бажариляпти. Касаба уюшма қўмитаси томонидан белгиланган вазифалар ҳам корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари бажарилишига кўмаклашиш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини назорат қилиб бориш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитини яхшилаш бўйича тадбирлар билан боғлиқ. Шу билан бирга, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари дам олишини намунали ташкил этиш, саломатликларини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилган.

Бу борада айрим далилларни келтирсам. Ўтган йил натижаларига кўра, ходимларнинг ўртача ойлик маоши 767120 сўмни ташкил этди. Жамоа аъзоларини техника хавфсизлиги қоидалари бўйича ўқитиш учун 5 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди. Иш шароитини яхшилаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, ишчиларни махсус кийим-бош, сут, совун билан таъминлаш йўлида 182,8 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши ўзининг ижобий самарасини берди. Оммавий спортни ривожлантириш, мусобақалар ўтказиш, ғолибларни рағбатлантиришга салкам 300 минг сўм харажат қилинди.

Касаба уюшма фаолиятини такомиллаштириш имкониятидан фойдаланиб, корхона ва қўмитамиз маблағи ҳисобидан ходимларнинг кўнгилли дам олишига эътибор янада кучайтирилди. Ходимлар ва ҳудудимиздаги кам таъминланган оилалар фарзандлари суннат тўйини ўтказдик. 31 нафар мучал ёшидаги аъзоларимизга совғалар улашилди. Шаҳримиздаги ёлғиз, эҳтиёжманд, меҳнат фахрийлари бўлган икки кишининг уй-жойи таъмирлаб берилди.

Бу — касаба уюшмаларига хос одат. Қаерда иш тиғиз бўлса, ўша ерда ташкилот аъзоларини кўриш мумкин. Ҳозирда Бухорода ўтказиладиган «Универсиада — 2013» тадбирлари доирасидаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришда фаол иштирок этяпмиз. Юрт ободлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида бундан буён ҳам куч-ғайратимизни аямаймиз.

Нурия ГИЛФАНОВА,
«Когонёғ» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси

Анжуман

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти масъул ташкилотчиси томонидан уюштирилган анжуманда такомиллашув жараёни, бунда бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари зиммасига юкланган масъулият ва ваколатлар хусусида сўз борди.

МАСЪУЛИЯТ ВА ВАКОЛАТ

— Такомиллашув давр тақозоси эканига яна бир карра амин бўлдик, — дейди масъул ташкилотчи Нигора Қутлимуродова. — Қисқа муддатда қуйи бўғин ишида жонланиш кузатилаяпти. Фаолиятни янада яхшилаш, аъзолик афзалликларини асослаш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини кучайтириш юзасидан қатъий чора-тадбирларни амалга оширишимиз керак. Бунда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан тайёрланган «Меъёрий ҳужжатлар тўплами» ишимизни осонлаштиради.

Масъул ташкилотчи иштирокчиларга ушбу тўпламнинг аҳамияти, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан қабул қилинган қарорлар, янги таҳрирдаги Низомлар ҳақида тўхталди. Қолаверса, «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ўртасида 2013-2015 йилларга тузилган тармоқ келишуви» рисола шаклида чоп этилиши ҳам тармоқ ходимлари учун яна бир қулайлик бўлди.

Анжуманда Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудирлари билан очиқ мулоқот ташкил қилинди. Улар бошланғичлар фаолиятини янада яхшилаш, кейинги жараёнда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, меҳнат шартномаларини тузиш ва экспертизадан ўтказиш, ижтимоий шериклик асосида аъзолар ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини кучайтириш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, «Маънавият соатлари»ни талаб даражасида ташкил қилиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда аъзолик тушумлари тўғрисида батафсил тўхталдилар.

М. ТЎРАБОЕВА

Самарқандда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти, «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида хайрия тадбирлари ўтказилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг ишбилармонлик қобилиятларини рўёбга чиқариш ҳамда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилотининг республика ва вилоят жамоатчилик кенгаши аъзолари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, фахрийлар ва ёшлар қатнашди.

Иштирокчилар «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» кўмагида фаолият бошлаган Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб мебел» корхонаси ҳамда Самарқанд туманидаги «Ҳамидов Ҳалим саховати» фермер хўжалиги фаолияти билан танишдилар.

Тадбир қатнашчиларига «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» вилоят ахборот маркази томонидан йил бошидан буён амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган фуқаролар учун семинар-тренинг ўтказилди.

«Меҳр нури» хайрия жамғармаси томонидан элликка яқин оилага эсдалик совғалари топширилди. Мазкур жамғарма ва «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан бир гуруҳ фаол тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Суратда: *«Афросиёб мебел» корхонаси ишчиси Асқар Ҳакимов.*

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат

Муносабат

Президентимиз 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида қилган маърузасида кимё саноати ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида эришилган муваффақиятлар тўғрисида гапириб, жумладан, ўтган йили Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил олингани авваламбор деҳқонларимиз, фермер ва механизаторларимиз, соҳа мутахассисларининг фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ва ўз ишига бўлган садоқатининг амалий натижаси эканини таъкидлади. Қўлга киритилган бундай ютуқлар ва марралардан ҳар қайсимиз ғурурланиб, бошимизни баланд кўтариб юришга ҳақлимиз.

ҲАММА ГАП ЎЗИМИЗДА

Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш корхоналарини унумли, тежамкор ускуна ва қурилмалар билан таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани мамлакатимизда ялпи маҳсулот тайёрлаш салмоғи ва сифатини ошириш имконини яратмоқда.

Буни биргина «Фарғонаазот» очиқ акционерлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Истиқлол йилларида корхонада аммиак, хлорат-магний дефолианти, аммиакли селитра ва кучсизлантирилган азот кислотаси ишлаб чиқариш цехлари мукаммал таъмирланиб, реконструкция қилинди. Натижада, сарфланаётган хом ашё ресурслари сезиларли камайди. Масалан, аммиакни синтез қилиш колоннаси хориж технологияси бўйича реконструкция қилингач, қурилма аввалги 300 ўрнига 200 атмосфера босимида ишлаб, 400 тонна кўп аммиак ишлаб чиқарилмоқда. Карбамид цехидаги эскирган бошқариш жиҳозлари замонавий, модернизацияланган ускуналар билан алмаштирилди. Углекислота гази компрессорлари, юқори босимли насосларнинг суюқлик ишловчи қисмлари модернизация қилинди. Натижада, цехнинг белгиланган лойиҳа қувватида ишлаши таъминланди. Модернизациялаш ва реконструкция туфайли цехда ҳар куни ишлаб чиқарилаётган минерал ўғит салмоғи илгаригидан 150 тонна ортди. Шу билан бирга, хом ашё ва энерго ресурслар (аммиак, буғ, электр энергияси) сарфи камайди. Шунга мувофиқ ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитнинг таннархи сезиларли пасайди.

Маърузада келтирилган қоида ва хулосалар, олдинга қўйилган вазифаларни ўрганиб чиқиб, ўзимиз учун тадбирлар белгиладик. Меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ишончли тарзда ҳимоя қилувчи энг оммавий ташкилот — касаба уюшмаси бу борада ҳар доимгидек меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ишчи-ходимларга қулай иш ва дам олиш шароитларини яратишда асосий ташкилотчи ва йўналтирувчи куч бўлиб қолади.

Отабек ЭШМЕТОВ,
«Фарғонаазот» ОАЖ касаба уюшма ташкилоти қошидаги меҳнат муҳофазаси комиссияси раиси

Ўқув-семинар

Сўнгги пайтларда касаба уюшмаларида юз бераётган туб ўзгаришлар, ўрта бўғиндаги ислоҳотлар бошланғич ташкилотлар масъулиятини янада оширди. Жорий йилнинг касаба уюшмалари тизимида «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Куни кеча Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида соғлиқни сақлаш тизимидаги бошланғич ташкилотлар раислари учун ўқув-семинар ўтказилди. Унда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши мутахассислари йиғилганларни соҳадаги ислоҳотларга доир маълумотлар билан таништиришди. Хусусан, Д. Тошматова «Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини Устав талаблари ва меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш», «Обод турмуш йилида қўмита ишларини режалаштириш» мавзусида маъруза қилди.

Н.Ҳасанов эса бошланғич касаба уюшма ташкилотларида даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш, маблағларни сарфлашда молиявий ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ҳақида гапириб, ҳисоботларни топшириш ҳамда электрон почта алоқасини ташкил этиш хусусида ҳам тўхталиб ўтди. З.Алиев маърузасида меҳнат муҳофазаси ва у билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

Раъногон ИНАТУЛЛАЕВА,
Чортоқ тиббиёт коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси

Оталиқдаги соҳа

Ургут табиатида ўзига хослик бор. Яратиш-яшнатиш завқи бу диёр одамларини муттасил бунёдкорликка ундаб келади.
«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасидаги кенг кўламли ишлар мазкур туманнинг ҳар гўшасида яққол намоён бўлаяпти.

КЎЧАТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси, туман кенгаши депутати Мадина Баратова ободончилик борасида олиб борилаётган ишларга тўхталар экан, бу ерда қанот ёйган ташаббусга эътибор қаратди. Ҳудудда ҳар бир оила, фуқаро боғ барпо этишга азму қарор қилган. Жамоат ташкилоти томонидан 125 нафар кам таъминланган соҳа ходимларининг уйига 4 донадан бепул олма кўчатлари тарқатилди. Шунингдек, 52-мактаб ҳовлисида барпо қилинаётган янги боғга 50 та кўчат инъом этилди.

— ЎзКУФК вакили билан ҳамроҳликда тумандаги Жартепа, Сўфиён, Мирзақишлоқ, Бешбулоқ маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хонадонларда бўлдик, — дейди М.Баратова. — Уларнинг яшаш тарзи билан танишиб, керакли тавсия ва ёрдам кўрсатилди.

Тармоқ касаба уюшмаси жорий йилда мактаб, коллеж ва боғчалар ҳамда кам таъминланган оилаларни 500 туп мевали дарахт кўчати билан таъминлади. Янги ниҳоллар туман ҳокимлиги томонидан ажратилган махсус транспорт воситасида хонадонларга етказиб берилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

АЪЗОЛАР ИНОҚ БЎЛСА

Ғафур Ғулом номидаги Гулистон Давлат университети бошланғич касаба уюшма ташкилоти 4590 та аъзони ўз атрофига бирлаштирган бўлиб, қўмитага катта ўқитувчи Шомурод Бектурдиев етакчилик қилади.

— Жамоа билан ишлашнинг заҳмати ҳам, завқи ҳам ўзгача, — дейди у. — Касабақўм раиси бўлишдан аввал университет «Камолот» ЁИҲни бошқарардим. Дастлаб талабалар билан ишлаган бўлсам, ҳозир улар сафига ҳамкасбларим ҳам қўшилди. Муҳими, жамоа ўртасида ҳамжиҳатликни шакллантира олдик. Ҳар ойнинг охирги пайшанбасини «Маънавият куни» деб белгилаганмиз. У ҳар бир факултетда режа асосида ўтказилади.

Касабақўм раиси билан жамоада уюштирилган спорт ва маданий тадбирлар ҳақида суҳбатлашдик.

— Байрамлар касаба уюшма кўмагида ташкиллаштирилади, — дейди суҳбатдошимиз. — Конституциямизнинг 21 йиллиги муносабати билан ўқитувчилар ва талабалар ўртасида спортнинг 4 тури бўйича мусобақалар уюштирилди. Бундан ташқари, ҳар йили 9 май — «Хотира ва қадрлаш куни»да ташкилотнинг ёш аъзоси бўлган Умид Ниёзметов хотирасига бағишлаб талабалар ўртасида турнир ўтказилади. Бошланғич ташкилот талаби билан университет ҳудудидан ажратилган ер майдонида «Фахрийлар боғи» барпо этилди.

Касаба уюшмалари тизимидаги оптималлаштириш натижасида бошланғич ташкилотда қолдирилаётган маблағнинг кўпайгани аъзолар манфаатларини ҳимоялашда кенг имконият яратди. Жорий йилда 2 нафар ходимга «Зомин» ва «Оқтош» санаторийларига йўлланмалар ажратилди.

Суҳбат асносида «кўп сонли ташкилотда ишлаш қийин, бироқ аъзолар иноқ бўлиб, талаблар билан эмас, таклифлар билан иш кўрилса, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади», деган хулосага келдик.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Бошланғич ташкилот жонкуярлари

Ҳалима Пиримқулованинг Чироқчи спорт ва педагогика коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси бўлганига кўп бўлгани йўқ. Ёш, ишлаб чарчамайдиган, ташкилотчилиги боис коллеж жамоаси уни масъулиятли вазифага сайлади.
1200 дан зиёд ўқувчи таҳсил оладиган масканда 80 дан ортиқ ўқитувчи ва мураббий ишлайди. Бошланғич таълим ва спорт йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаб берадиган таълим муассасаси туманда ўз ўрнига эга.

МЕҲНАТИДАН ЗАВҚ ОЛИБ...

Жамоа асосан ёшлардан иборат. Коллеж директори Собир Хидиров талабчан раҳбар. Ўз атрофига касбини севадиган, тиришқоқ педагогларни жамлаган. Энди касаба уюшма фаолиятига тўхталсак. Касабақўмнинг хонаси тармоқ фаолияти учун зарур бўладиган ҳужжат ва қўлланма ҳамда плакатлар билан тўла жиҳозланган.

— Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ўтказилган ўқувда иштирок этдим, — деди Ҳалимахон биз билан суҳбатда. — Унда бирлашманинг етакчи мутахассислари касабақўмлар учун асқотадиган кўплаб долзарб мавзуларда маърузалар ўқишди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи қарорлари ва Ҳаракат дастурини бажариш борасида касаба уюшма ташкилотлари олдига қўйилган устувор вазифалар, устав талаблари асосида касаба уюшма ишини ташкил этиш, иш юритиш, ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш, касаба уюшма органлари қабул қилган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш тўғрисида муфассал тушунча берилди. Бундан ташқари, касаба уюшма ташкилотларида молиявий интизомни мустаҳкамлашда меъёрий ҳужжатларни тўғри юритиш, касаба уюшма ва ижтимоий суғурта маблағларидан оқилона фойдаланиш, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкил этиш, меҳнат муносабатларининг тўғри йўлга қўйилиши ва Меҳнат кодекси талабларига риоя этилиши ҳамда қонуности ҳужжатларига киритилган қўшимча ва ўзгартишлардан бохабар бўлдик.

«Устоз-шогирд» усулига асосан иқтидорли битирувчиларимизга туман кенгаши томонидан энг кам иш ҳақининг 20 ва 50 фоизи миқдорида моддий ёрдам берилди.

Бевосита ўтказилган тадбирларга тўхталадиган бўлсам, ўқувчиларимиз 2012 йилда ташкил этилган «Онам айтган аллалар» кўрик-танловида фаол иштирок этди. Шунингдек, Мустаҳкам оила йилига бағишлаб иншолар танлови, Истиқлол манзараларини ўзида акс эттирган суратлар кўргазмаси бўлиб ўтди. Шунингдек, ўқитувчилар ўртасида футбол, волейбол, стол тенниси мусобақалари ўтказиш анъанага айланган.

Ходимлар таваллуд кунлари муносабати билан совғалар билан тақдирланади. Бундан ташқари, спорт мусобақаларида муваффақият қозонган ўқувчилар ҳам эътибордан четда қолмайди. Яқинда кураш бўйича Осиё чемпионлигига эришган Гўзал Раҳмонова ҳамда унинг устози Баҳриддин Ёрматов, шунингдек, таэквондо WTF бўйича республика турнирида ғолиб бўлган Шарофат Боймирзаева ва унинг мураббийи Жасур Примов муносиб тақдирланди. Дзюдо бўйича ёш мутахассисимиз Баркамол Шодмоновнинг ҳам ютуқлари салмоқли бўляпти. Муваффақиятлар беиз кетмаслиги керак. Ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп...

Ҳалима Пиримкулова ҳақида ҳамкасби Муҳаббат Холиқулова шундай деди:

— Ҳалимахон ҳар бир ходимни ўз яқинидек кўради. Уларни тинглайди, қўлидан келганча ёрдам беради. Айниқса, ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда ҳисса қўшадиган ҳар хил тадбирлар, учрашувлар, танловлар уюштиришда унинг ташкилотчилигига қойил қоламиз. Бирор ходим ишга келмай қолса, хавотир олиб, унинг аҳволидан бохабар бўлмагунча тинчимайди. Тажрибали педагогика-психология фани ўқитувчиси, намунали оила бекаси.

Дарҳақиқат, бошланғич ташкилот етакчиси масъулиятни чуқур ҳис қилиб, ўтаётган ҳар бир кунига мазмун бағишлайди, ходимлар, ўқувчилар манфаати йўлида чарчаш нелигини билмайди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

9 апрел — Амир Темур таваллуд топган кун

Бир қарашда Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ҳақида ҳамма гапни айтиб бўлгандекмиз. Аммо тоққа яқинлашган сари унинг салобати ва маҳобати ортиб боргани каби ул зоти шарифнинг ҳаёти ва фаолияти тобора оҳорли қирралари билан кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Буюк давлат арбоби, моҳир саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси, тинчлик ва осойишталик таянчи, улуғ сулола асосчиси сингари қатор оламшумул таърифларга лойиқ Амир Темур, оддий қилиб айтганда, ўз юртининг беназир ватанпарвари ҳам эди. Бу фазилатни Соҳибқироннинг кенг қамровли оламшумул фаолияти амалда тасдиқлаб турган бўлса, тарихий шаҳарлардаги маҳобатли иморатлар, юксак моддий ва маънавий маданият, дунёни лол қолдирган илм ва адаб аҳли бу шарафни тарих силсиласида узоқ йиллар муҳрлаб, инсоният тамаддунини бир неча поғона юксалтирди. Инчунун, ўзи кўз очган заминни буюк зотларнинг хоки туроблари билан музайян этдики, бу билан она-Ватан мавқеи, шуҳрати ва шарафини янада юксалтирди. Зеро, муҳтарам Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, «Бутун умрини иймон-эътиқод, ватанпарварлик, поклик ва ҳалоллик йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир». Шу мавзуда Имом Бухорий халқаро марказзи директори, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла УВАТОВ билан суҳбатлашдик.

ВАТАН ШАРАФИНИ БОШГА ТОЖ АЙЛАБ

— Ривоятларда келтирилишича, баъзи шаҳарлардан фалакка нур кўтарилар экан. Бу ҳикматни шу жойда мангу макон топган улуғ зотларнинг шарофатидан, дейишади. Жумладан, Имом ал-Бухорий ҳазратлари вафот этганларида қабрларининг кесакларидан атрофга муаттар бўй таралиб турган экан (бу ҳолни ҳозир ҳам ҳис этиш мумкин). Ана шундай ҳолат Амир Темур ҳазратларига қай даражада аён бўлган, деб ўйлайсиз?

— Бу мулоҳазаларда жон бор. Ҳатто ер юзида биргина маърифатли одам топилса-да қиёмат қойим содир бўлмайди, деган гап ҳам юради. Саволингизга жавобни эса бироз узоқроқдан бошлашга тўғри келади.

Соҳибқирон ўз атрофига даврининг таниқли алломаларини тўплагани, улар билан турли масалаларда машварат ва суҳбатлар қурганидан ташқари қаерга қадами етса, ўша жойнинг машҳур кишиларига алоҳида эҳтиром кўрсатгани ҳақида қатор тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган. Жумладан, Шерозда шоир Ҳофиз Шерозий, Ҳалабда муаррих Низомиддин Шомий, Дамашқда қози ва аллома Ибн Халдун сингари улуғ зотлар билан қилган мусоҳабалари жуда машҳурдир. Бунга фатҳ қилинган ўлкаларда тарихий меъморий обидаларнинг яратилиши, исломий илмлар ва ислом дини ривожига ҳисса қўшган улуғ зотлар, азиз авлиёларга иззатикром кўрсатилишини қўшиш мумкин. Соҳибқирон, албатта, азизлар мақбаралари, қадамжоларни зиёрат қилар, ҳадялар тортиқ этарди. Масалан, 1401 йилда Дамашқ фатҳ этилгач, шу шаҳарда дафн қилинган пайғамбаримиз Муҳаммад а.с-.нинг завжаи мутаҳарралари Салма ва Ҳафса онамизнинг қабрларини зиёрат қилиб, муҳташам мақбаралар барпо эттирган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу юмушларнинг бари Соҳибқироннинг юксак эътиқоди, оламшумул маънавий тамойилларидан келиб чиқиб бажарилган. Шунингдек, ободончилик ишлари билан бир қаторда, улуғ зотларнинг қабрларидан хоки туроб олиниб, она юртда ул зотларнинг рамзий мақбаралари ҳам бунёд этилганки, бу юмуш бир тарафдан ўша зотларга чексиз ҳурматнинг рамзи бўлса, иккинчидан, киндик қони томган заминнинг нуфузини ошириш, мамлакат аҳли ўртасида имон-эътиқодни мустаҳкамлаш учун қилинган саъй-ҳаракатлар ҳамдир. Бундай вазифани шу заминни бутун вужуди билан севган, унинг порлоқ келажагини орзу қилган чинакам ватанпарвергина амалга ошириши мумкин. Қолаверса, ҳали бобокалонимиз ҳаёти ва фаолиятининг кам эътибор берилган қирраларидан бири ҳам ана шундай юмушлардир. Маълумки, Соҳибқирон давлатининг пойтахти Самарқандни дунёнинг энг бетимсол шаҳрига айлантириш учун кўп саъй-ҳаракат қилди ва орзусига эришди ҳам. Ўша замон муаррихи Ибн Арабшоҳ «Самарқанд дунё шаҳарларининг келинчаги эди» дея эътироф этган. Олимнинг таъкидлашича, Амир Темур Самарқанд атрофидаги қишлоқларни Шарқ мамлакатларининг улуғ шаҳарлари номи билан Миср, Бағдод, Шероз, Дамашқ, Султония деб атадики, бу билан ўз пойтахти мавқеини яна бир бор таъкидлаб кўрсатди. Ана шундай муҳаббат Самарқанд ва бошқа шаҳарларимизга азиз-авлиёлар қабрларидан нишона келтирилиб, рамзий марқадларини бунёд этишга ва бу жойларни одамларнинг мўборак зиёратгоҳига айлантиришга изн бергандир.

— Қаршидан Самарқандга келишда ўнг тарафда Тахтиқорача — Жом тизма тоғлари бағрида бир зиёратгоҳ бор. Бу масканни темирчилар, ҳайдовчилар, умуман, барча касб эгалари алоҳида ихлос билан тавоф қилишади...

— Бу жой Дониёл пайғамбар номи билан боғлиқ. Хўжа Дониёлга хайр-барака тимсоли, тинчлик-осойишталикни сақлайдиган авлиё сифатида қараганлар ва шундай кайфият билан унга сиғинганлар. Шуниси эътиборлики, бу зотни уч дин — яҳудийлар, христиан ва мусулмонлар бир хил қадрлашган ва эътиқод қилишган. Амир Темур Ироқнинг Мосул шаҳрида бўлганида шу жойдаги Дониёл (Даниэль) пайғамбар мақбарасини зиёрат қилади, унинг моҳиятини чуқур англаб, қабр тупроғидан олинган намунани эъзоз билан Самарқандга олиб келади ва унинг рамзий қабрини барпо қилдиради. Бу жой Соҳибқирон давлатининг барча фуқаролари учун табаррук зиёратгоҳга айланади, жами дин вакиллари ҳамжиҳатликда эзгу амаллар йўлида тоат-ибодат қилишади. Албатта, бунинг фуқаролар тотувлиги, ҳамжиҳатлигини таъминлашда аҳамияти катта бўлган. Бу амаллар айни кунларда ҳам давом этмоқда.

Худди шундай, асли Марв (Мари) шаҳрида туғилган, тақдир тақозоси билан Арабистон томонларга бориб қолиб, дини исломни ёйишда фаол иштирок этган ва динимиз ғанимларига қарши жангда мардона ҳалок бўлган Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий (736-798) ҳам машҳур шахслардан бўлиб, Ироқнинг Ҳийт деган шаҳарчасида дафн этилган (камина бу жойни зиёрат қилишга мушарраф бўлгандим). Умри давомида Самарқанд, Бухоро, Насаф (Қарши) шаҳарларида яшаган ватандошимизнинг хоки ҳам Соҳибқирон томонидан Қашқадарё вилоятидаги Муборак тумани ҳудудига келтирилган ва зиёратгоҳга айлантирилган эди. Бундан бир неча йил олдин бу табаррук маскан қайтадан таъмирланиб, муҳташам мақбара тикланди ва буюк бобокалонимизга чинакам ворислик намунаси кўрсатилди.

— Албатта, мустақил юртимиздаги бундай эзгу амалларнинг давомийлиги кўнгилда ифтихор туйғусини уйғотади. Эътибор берган бўлсангиз, Қарши шаҳрининг кунчиқар томонида машҳур Эшон Шаҳид қабристонига яқин ҳудудда бир маскан бўлиб, гарчи халқ орасида ибратли гаплар юрса-да, яқин-яқинларгача эътибордан четда эди. Айни кунларда бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

— Ҳа, ўша манзил унча-мунча одам қадам босавермайдиган назардан четроқ жой эди. Фақат «Хўжаи Жарроҳ» деган номи бор эди. Шўро замонида қадам босиш тақиқланган, девор билан ўралган, чакалакзор, ташландиқ бир гўша бўлган. Ҳолбуки, бу масканнинг бунёд бўлиш тарихи анча салмоқли далилларга бой. Замонасида Соҳибқироннинг топшириғи ва назоратида обод қилинган, салтанат ҳудудларининг энг эътиборли, одамлар сиғинадиган, тавоф қиладиган зиёратгоҳга айлантирилган. Мақбаранинг кўтарилиши пайғамбаримизнинг юксак ҳурматини қозонган Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ билан боғлиқ.

Милодий 584 йилда Маккада таваллуд топиб, 639 йилда ҳозирги Иорданиянинг Байсон деган жойида вафот этган Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ пайғамбаримизнинг содиқ саҳобаларидан бири бўлиб, уни «Амийн улуммати» («Умматимизнинг ўта ишончли кишиси»)деб сийлаганлар. Бу шарафга ул зот ислом динига садоқат билан хизмат қилгани, муҳорабалардаги жасорати, шунингдек, ўта ҳалол ва покизалиги эвазига сазовор бўлган. Имон келтириб, дастлабки мусулмонлардан бўлган қурайш қабиласи вакили Абу Убайда кейинчалик жасур лашкарбоши ва моҳир қўмондон бўлиб етишади. Ул зотда жангчиларни ғалабага руҳлантириш, ўзи ҳам олдинги сафда туриб жасорат кўрсатиш истеъдоди кучли бўлган. Тўқнашувларда 30-40 минг кишилик Византия қўшинларига 3-4 минг ислом лашкари билан қарши бориб, ажойиб ғалабага эришган. Ҳарбий санъатда қўшинни тузиш, мухабарот (разведка), пистирма, ҳийлалар қўллаш сингари усулларни фаол татбиқ этган. Шунингдек, аҳолидан солиқ ундириш масалаларини ҳал қилишда ўта адолатли йўл тутган. Хуллас, пайғамбаримизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ул зотга елкадош бўлиб, садоқат билан хизмат қилган.

Эътиборли далиллардан бири шуки, ислом тарихида биринчи молия вазири лавозимини эгаллаган ва буюк давлат арбоби сифатида шуҳрат топган. Ана шу хизматлари эвазига пайғамбаримиз томонларидан «Ашараи мубашшара» (Тириклигидаёқ жаннатий бўлган ўн буюк саҳобалар)дан бири сифатида эътироф этилган.

Муҳаммад а.с. вафотлари (632 йил)дан кейин ким халифа бўлиши юзасидан мусулмонлар ўртасида мунозара чиқади. Шунда Ойша онамиздан «Расулиллоҳ ўзларидан кейин халифа тайинламоқчи бўлсалар, кимни кўрсатар эдилар?» деб сўралди. Ойша онамиз «Олдин Абу Бакр, кейин Умар, ундан кейин Абу Убайдани» деб жавоб берадилар. Демак, пайғамбаримизнинг «Саҳобаларимнинг ҳар бирида ўринсиз одатлар учрайди, булардан фақат Абу Убайда холи» деганлари беҳуда эмас экан. Халифа ҳазрати Умар даври(634-644)да Шом (ҳозирги Сурия, Иордания, Ливан, Фаластин ҳудудлари)да амири жуюш — исломия (ислом қўшинлари бош қўмондони) вазифасида турди. Шу йиллари вабо тарқалиб, бир ойда 20 минг киши вафот этди. Абу Убайда халифа Умарнинг Мадинага қайтиш ҳақидаги таклифини рад этиб, жабрдийдалар қаторида Шомда қолди ва шу ерда бандаликни бажо келтирди. Унинг бисотини сарҳисоб қилганларида бир меш, пўстак ва қиличдан бошқа ҳеч вақо йўқ экан...

Соҳибқирон Амир Темур етти йиллик зафарли юришлари давомида ҳозирги Иорданиянинг Ағвор деган шаҳарчаси ҳудудидаги Абу Убайда марқадини зиёрат қилади ва бу зотнинг ҳаёти, ҳарбий саркардалик фаолиятидан яхши хабардор бўлган бобомиз қабр тупроғидан олиб, уни Қарши шаҳрига келтиради. Бу ҳаракатда ҳам ўзига хос ҳикмат борки, албатта, кейинги талотўмларда карвон йўллари устида жойлашган бу шаҳарни ташқи душмандан муҳофаза қилишда буюк саркарданинг руҳи мададкор бўлгани рост.

Айни кунларда бу зиёратгоҳ қайта қурилиб, обод масканга айлантирилмоқда. Озод юртимизда яна бир қутлуғ макон пайдо бўлишига шак-шубҳа йўқ. Мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темур саъй-ҳаракати билан узоқ ўлкалардан азиз-авлиёларнинг хоки-туроби келтирилиб, муборак қадамжоларга айлантирилган масканлар кўп. Очиғи, бу ҳали мукаммал ўрганилган соҳа эмас. Шубҳа йўққи, олиму уламолар ва тадқиқотчиларимизнинг ҳамкорлиги билан бу юмушга ҳам қўл урилади ва бобокалонимиз фаолиятининг яна бир қирраси маънавий мулкимизга айланади.

Суҳбатдош:
Ҳаким САТТОРИЙ

Ўттиз олти йилга яқин ҳукмронлик даврининг жуда катта қисмини беҳисоб юришлар, шиддатли жангу жадаллар билан ўтказган Соҳибқирон ҳарбу зарблардан холи пайтларда мамлакат равнақи ва ободонлиги, халқ тинчлиги ва фаровонлиги, оила бахти ва саодатига йўналтирилган ишларни жадалликда амалга оширган. Маълумки, Амир Темур оталик, боболик бурчини аъло даражада уддалаб, балоғат ёшига етган фарзандларини уйлантириш ёхуд турмушга узатиш масаласига ҳам фавқулодда жиддийлик ва масъулият билан ёндашган.

ҲОЖАТБАРОРЛИК

Фарзанди аржимандларнинг таваллуд, суннат ҳамда никоҳ тўйларини ўтказишдан мурод-мақсад азалий удумларга риоя қилиш қатори эл-юртга дастурхон ёзиш, етим-есир, мискину бечоралар ҳожатини чиқариш, раиятга завқу шавқ, ҳузур ва шодмонлик бағишлаш, кўнгилларни ғаму-андуҳ, дарду аламлардан фориғ этиш бўлган. Низомуддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Ҳофизи Абру, Абдураззоқ Самарқандий сингари муаррихлар Амир Темур раҳнамолигида ўтган тўйлар ҳақида қизиқарли маълумотлар беришган.

Амир Темурнинг набиралари аҳиқа тўйларини нақадар севинч ва хурсандликда ўтказганига тарих шоҳид.

Узоқ муддатли ҳарбий юришлардан зафар билан Она юртга қайтган Амир Темурнинг эл-улусга дастурхон ёзиб, балоғат ёшига етган мирзоларни уйлантириши анъана тусини олган эди. Муаррихлар томонидан атрофлича тасвирланган икки шоҳона тўй маросими Самарқанд яқинидаги Конигил мавзесида ўтказилган. Тўйда марҳум Умаршайх мирзонинг ўғиллари Пир Муҳаммад мирзо ва Рустам мирзога Ғиёсиддин тарҳоннинг икки қизи, Мироншоҳ мирзонинг фарзанди Або Бакр мирзога эса амир Ҳожи Сайфуддиннинг қизи шариатга кўра никоҳ қилинган.

1404 йилда етти йиллик сафардан Самарқандга қайтган Соҳибқирон набиралари Улуғбек мирзо, Иброҳим Султон мирзо, Ийжал мирзо, Аҳмад мирзо, Сайди Аҳмад мирзо ва Бойқаро мирзони муносиб қизларга уйлантириш муносабати билан ўтказиладиган навбатдаги қурултой ва тўйга бош-қош бўлиш мақсадида Конигилга келади. Кўркам Конигил ўлангидан то Шовдоргача, тахминан, ўнг фарсанг (60-70 км.)лик ораликда жадаллик билан тўй тараддуди бошланади. Зиёфат арафасида Амир Темурнинг сипоҳ амирлари, баҳодир жангчиларни мансаб ҳамда ҳурматига қараб суюрғол ва мукофотлар билан тақдирлаш ҳақидаги фармони эълон қилинади.

Соҳибқирон томонидан маросимда қатнашишга таклиф этилган саркардалар, аркони давлат, хориж элчилари, ботир жангчилар учун ҳар бирининг эгаллаган мавқеи ва лавозимига мувофиқ махсус ўринлар белгиланади, боргоҳлар, чодиру капалар ўрнатилади.

Соҳибқирон ўрдуси тушган жойда юқори увуқлари олтиндан ясалган, жавоҳирлар билан зийнатланган тўрт саропарда, оқ уй (ўтов) ва хаймалар тикланган. Ичида ўн минг киши бемалол ўтиришга мўлжалланган ушбу боргоҳнинг сирти жундан тўқилган мато (сақарлот), ички эса ипак ипли бахмал билан ўралган, устунлари зар билан безатилган. Маросимда қатнашиш учун келган тобе мамлакатлар раҳбарлари чодирлари Соҳибқирон ўрдуси атрофида тикланган. Уларнинг ортидан машҳур саркардалар, дин ва шариат пешволари, давлат арбоблари чодирлари қурилган. Буларнинг кетидан қўшин қисмлари тартиб билан ўрнашган. Сўнгги қатордан оддий халқ намояндалари жой олган.

Тўй тайёргарчиликлари ниҳояланган, боргоҳ марказига Ҳазратнинг махсус тахти ўрнатилади, хонимлар, келинлар, темурий мирзолар, лашкарбошилар, етти иқлим элчилари ўзлари учун белгиланган ўриндан жой оладилар. Зарбоф тўнлар кийиб, белига олтин камарлар боғлаб, заррин гурзилар кўтарган ясавуллар тартиб-интизомга масъуллик қилган. Улкан дастурхонлар турфа таом, мева-чева ва ичимлик (бода, қимиз, бол, мусаллас ва ҳ.к.) билан ясатилган, ёш йигитлар меҳмонларга ош тортиш, олтин пиёлаларда ичимлик тутиш хизматини адо этишган.

Ҳофизи Абрунинг қуйидаги тасвири ўқувчида шоҳона тўй ҳақида керакли таассурот туғдиради: «Оламнинг турли тарафларидан йиғилган, тиллари ва кийимлари бирбиридан фарқли ҳар қайси мамлакат созандалари, ҳар иқлимнинг санъат аҳллари-ю ҳунар соҳиблари гуруҳ-гуруҳ бўлишиб, ҳар диёрнинг ўзида расм ва одат қилинган зебзийнат буюмлари, тақинчоқлари, кийим-кечак ва матолари билан ясаниб, ўзларига оро бердилар. Хушнағма созандалар ва хушовоз хонандалар форс тариқасида, ажам тартибида, араб қоидасида, турк йўсунида, мўғул аёлгусида, хитой русумида, алтой услубида соз чалмоқ, ашула айтмоқ ва оҳанг боғламоқ ила машғул эдилар».

Хусусан, ўз даврининг тенги йўқ созандаси бўлмиш Хожа Абдулқодирнинг қўбуз, ётуғон ва удда моҳирона ижро этган куйлари тўйга алоҳида тароват бахш этган.

Зиёфатда қатнашган давлат бошлиқлари, темурий амирзодалар, бекларга тўнлар кийдирилган, қимматли тошлар қадалган тожлар ва камарлар тақдим этилган, олтин ва кумуш тангалардан сочқилар сочилган. Шу алфозда тўй тантаналари икки ойга чўзилган.

Ҳамидулла ДАДАБОЕВ,
филология фанлари
доктори, профессор



Буюк аждодлар хотирасини ёд этмоқ, мозийга ҳақиқат назари билан боқмоқ орқали ўзлигимизни теран англаймиз. Улуғ зотларга ворислик масъулияти ёшларни етук инсон бўлишга ундайди... Иқтисодчи бўлганим учун соҳибқироннинг иқтисодий қарашларига кўпроқ қизиқаман. Манбаларда эътироф этилишича, Амир Темур етук сиёсатчи, улуғ ислоҳотчи, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданиятнинг буюк ҳомийси. Айниқса, ул зотнинг марказлашган давлатнинг ягона пул-молия тизимини ташкил этган ислоҳотчи сифатидаги фаолияти тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битилган.

САЛТАНАТ БЮДЖЕТИ

ёхуд Соҳибқироннинг иқтисодий қарашлари

Тарихда давлат бюджети 17-асрда Англия ва Францияда пайдо бўлган деб эътироф этилади. Ҳолбуки, Амир Темур салтанатида 14-асрдаёқ давлат бюджети мавжуд бўлган. Бюджетда тушумлар билан бирга чиқимлар ҳам қайд этилган. Биринчи вазир фойда, солиқлар қайд этилган китобни юритса, иккинчи вазир чиқимлар китобини бошқарган. Шу билан бирга, келаётган йилдаги чиқимлар ва солиқлар миқдори ҳам олдиндан режалаштирилган.

«Темурийлар сулоласи тангалари» китобида ана шу тарихий ҳақиқат ўз аксини топган. Амир Темур ва темурийлар тангалари ўзига хос тарзда тайёрланган. Олтин, кумуш ва мис тангалар чакана савдо эҳтиёжини қондириш учун чиқарилган. Тангаларда акс этган ўсимлик ва геометрик безакларнинг мутаносиблиги, доиралар, юлдузлар буржи ўша даврдаги бошқа тангалардан фарқ қилган. Танганинг юз томонида кўрагон (хон куёви) унвонига эга Амир Темур ва унинг остида «амири билан» изоҳи ва салтанатга ҳамду сано сўзлари битилган.

Танганинг орқа томонида у зарб этилган ҳудуд номи, санаси, калима битилган. Баъзи тангаларда уч ҳалқадан иборат тамға ҳам бўлган. Буни Испания элчиси Клавихо «Темур герби» деб атаган. Соҳибқирон ана шу белгини ўзининг фармони билан чиқарилган барча буюмларга қўйдирган.

Темур номи билан зарб этилган илк тангалар 1372 — 1373 йилларга оид. 1380-йилларда Амир Темур пул ислоҳотини ўтказган. 1393 йилдан бошлаб тангаларда «Тахт вориси Муҳаммад султон» деган ёзув қайд қилинган. Бу темурийлар давлатининг тахт вориси — Муҳаммад Султон бўлиб, у 1403 йилда вафот этган. Соҳибқироннинг барча ўлкалар учун ягона пул-молия сиёсатини унинг севимли набираси Мирзо Улуғбек охирига етказган.

Мирзо Улуғбек зарб эттирган тангаларда Амир Темур тамғаси бор. Аммо ундан олдин унинг отаси Шоҳрух Мирзо тамғаси туширилган тангалар ҳам муомалада бўлган. Барибир, Улуғбек зарб эттирган кумуш тангалар жуда нодир ҳисобланган. Уларда Соҳибқирон билан бирга Улуғбек номи ҳам битилган.

Улуғбек даврида Мовароуннаҳрда илм-фан ва маданият, савдо-сотиқ ва халқаро муносабатлар равнақ топади. Савдо-сотиқ ва пул муомаласини тартибга солиш мақсадида мис тангалар ислоҳоти икки босқичда ўтказилган. Биринчи босқичда (1420) тангалар зарби марказлаштирилмаган. Улар кўплаб шаҳарларда: Бухоро, Қарши, Самарқанд, Термиз, Шаҳрисабз, Шоҳрухияда зарб этилган.

Ислоҳотнинг иккинчи босқичида (1428 — 1429 йиллар) тангалар асосан Бухорода зарб этилган. Улуғбек шу даврга муомалада бўлган барча чақа пулларни ман этади ва бир вақтнинг ўзида Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Тошкент, Шоҳрухия, Андижон шаҳарларида бир хил вазндаги салмоқдор фулуслар зарб эттириб, муомалага киритади. Бу пуллар қисқа муддатда эски чақаларга алмаштирилади. Улар фуқаролар ўртасида «фулуси адлия», яъни «адолатли чақа» номи билан шуҳрат топган.

Улуғбек ўтказган пул ислоҳоти янгича давлат сиёсатининг бир босқичи эди. Бу сиёсат ер солиқларини камайтириш ва шу орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган эди.

Умуман олганда, бу ислоҳот катта аҳамиятга эга бўлган тадбир бўлиб, Мовароуннаҳрда янгича иқтисодий муносабатлар шаклланишига замин яратди.

Темурий шаҳзодалар орасида фақат Улуғбек Соҳибқирон номини тангада зарб эттирган. Бу эса унинг нақадар доно сиёсатчи ва юксак маънавият соҳиби эканлигидан далолат беради.

Албатта, бугунги куннинг долзарб муаммоларини ҳал этишда ўтган давр иқтисодчиларидан тайёр жавоб топиш қийин, аммо уларнинг фикрлари келажак тўғрисида хулоса чиқариш имконини бериб, янги ғояларга илҳомлантиради.

Гулсарвар РАУПОВА,
иқтисодчи

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2013-yil 9-aprel № 45 (3238)

Тадбир

Олий ҳарбий божхона институтида «Театр — бу ибратхонадур» мавзусида учрашув ўтказилди.

АКТЁР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов иштирок этган ушбу тадбирда ўзбек театр санъатининг бугунги ривожланиши ва истиқболлари ҳақида сўз борди.

Айтиш жоизки, театр ва кино санъатимиз кундан-кунга янги асарлар билан бойиб бормоқда. Мамлакатимиз театрларида ҳар йили янги пьесалар саҳналаштирилиб, томошабинларга ҳавола этиляпти. Бу, албатта, санъатимиз фидойилари билан бир қаторда драматургларнинг ҳам фаол изланишда эканлигидан далолат беради.

Ўтган йилда юртимиз театрларида саҳналаштирилган 160 дан ортиқ спектаклларнинг кўпчилиги Мустаҳкам оила йилига ҳамоҳанг бўлганлиги диққатга сазовордир. Айни пайтда театрларда замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини акс эттирувчи асарларни саҳнага олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тадбирда театр ва кино соҳасида рўй бераётган янгиликлар, драматурглар ижоди, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида атрофлича фикр билдирилди. Шунингдек, Э.Комилов оналар мадҳига бағишланган монологлар ўқиди, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Нурбек САЛОМОВ,
журналист

Инсон ўзинг...

БИР СУҲБАТ ЗИЁСИ

Қишлоқда яшашнинг ҳам ўзига яраша ташвишлари бор. Тонг саҳардан туриб, тоза ҳавога чиқаман. Бироз айланиб, сўнгра томорқадаги экинлар парвариши билан шуғулланаман. Мол-ҳол дегандек... Ишқилиб, қиламан десанг иш топилади. Бугун ҳам эрта туриб кеча бозордан сотиб олган олма, бодом, ўрик ниҳолларини экиш учун чуқурчалар ковладим. Ишимни тугатиб, қўлимни ювиб, кўчадан машина сигнали эшитилди. Хушсурат бир одам машинадан тушиб, менинг чиқишимни кутиб турар эди. У томон юра бошладим.

— Ассалому алайкум-м, устоз! — у салом бериб, қўл узатди.

— Хуш келибсиз, меҳмон. Уйга марҳамат. Ерталабки насиба дегандек...

— Кираман, — таклифимни қабул қилди у. — Ерталабки насибадан қайтма, деган гап бор. Ташвиш қилманг... Бир пиёла чой, нон бўлса бўлди.

Хотинга меҳмон келганини айтдим.

— Ҳовли-жой, томорқангизни томоша қилайлик, унгача янга тараддуд кўриб қўядилар, — деди меҳмон қўлимдан тутиб.

Шунча ақлимни пешласам-да, бу одамнинг кимлигини, қаерда кўрганимни эслай олмадим. Хаёлимдан ҳар хил фикрлар ўтди.

«Менда нима иши бор экан? Бирор юмуш билан келдимикан?».

Меҳмон уйни, томорқа-ҳовлини, теварак-атрофни расмга тушираётган суратчидай кузатди.

— Дарахтларга шакл бермаган экансиз, устоз. Узумларнинг қўлларини кўп қўйибди устангиз. Анорларни шумғия босибди, юлдириб ташланг. Шумғия деганингиз касофат нарса... Илашган ўту дарахтини қуритади. Помидор ниҳолларини тиғиз экибсиз. Ҳовлингиз анча кенг экан...

— Уйга киринглар! — хотин меҳмонхонани тайёрлаб қўйганини хабар қилди.

Меҳмон яна қайсарлик қилди.

— Аввал ижодхонангизни кўрайлик... Мен атайин шу мақсадда келганман.

Ҳайрон бўлдим.

«Бу ўзини менга яқин тутиб, «Устоз-устоз!» деяпти... Ким бўлдийкин?..».

— Ижодхонам тартибсиз бир аҳволда. Мени хижолатга қўйманг.

Аммо, у сўзида туриб олди. Ижодхонага ундан олдин кириб, тўзиб турган қоғоз, китобларни йиғиштириб, тартибга келтирган бўлдим.

— Хижолат бўлманг, устоз, — хонани йиғиштиришда менга кўмаклашди у. — Менам қишлоқ фарзандиман. Бу манзаралар менга анча таниш...

Меҳмонни ўтиришга таклиф қилдим. Таклифимга қулоқ солмай ўзини китоб жавонига урди. Китобларни битта-битта қўлига олди. Бир соатлар «хазинам» билан танишгач, қўйиб берган ўтирғичимга чўкди.

— Қани, устоз, шу кунларда нима ишлар билан бандсиз? Айтмоқчиманки, ижоддан гапиринг, ижоддан. Нималар ёзяпсиз?

Шундай пайтда бисотинг бўлса-ю, тахлам бўлиб турган ижодингни олдига қўйиб, ғоздай бўйнингни чўзиб, керилсанг.

«Мана бу роман, бу иккитаси — қисса, мана булари уч китоб бўладиган ҳажвий ҳикоялар...».

Меҳмоннинг саволига жавоб беролмай, чайналдим.

— Ҳалиги, анови...

Мени қийин аҳволдан унинг ўзи қутқарди.

— «Кўчки», «Оқбуруннинг қисмати», «Дард», «Мирзоқул», «Жанжал» ҳикоя ва қиссаларингизни ўқиб, хурсанд бўлдим. Бундан ўн йил олдин «Оқ ўтов», «Изтироб»ингизни ўқиган эдим. Ҳажвияларингиз менга маъқул. Неъмат Аминовнинг ҳиди келади. Айниқса, табиат ҳақидаги лавҳаларингиз... Ҳикояларни каттароқ қилиш ниятингиз йўқми? Бир урониб кўрсангиз бўларди.

— Бу талабларингиз менга оғирлик қилса керак, — меҳмоннинг кўзига тик боқиб жавоб бердим. — Яна ким билади... Худо бир куни иқтидор, илҳомга йўл очиб берса, урониб кўрарман.

Китобга ихлосмандлиги ҳақида меҳмон анча гапирди.

— Ҳажвчилардан Леон Измайлов, Михаил Зошченко, Иля Илф, Евгений Петров, Азиз Несин, Ўткир Ҳошимов, Саид Аҳмад ҳикояларини ўқиб, завқланаман. Асосан мен бадиий адабиётга қизиқаман. Байрон бир олам, Эмил Золя ҳақиқий истеъдод соҳиби — йигирмата роман ёзган. Балзак, Стендал, Флобер, ака-ука Гонкурлар, Юнус Эмро, Лайло Усмон... Яшпалнинг «Раққоса» романини айтмайсизми?! Петрарка, Айзбек Азимов, Франс Кафка, Мопассан каби жаҳон адабиётининг машҳур намояндалари роман ва ҳикояларини ҳеч бир дуру гавҳарга тенглаштириб бўлмайди. Бу китоблар битмас-туганмас хазина. Бундан ташқари, яхши китоб ҳақида бирор кимсадан эшитиб қолсам, уни топиб, ўқишга ҳаракат қиламан. Айниқса, талабалик йилларим китоб жинниси эдим. Туманимизда Момохол Элмуродова, Абдулло Бобоёров, Темирпўлат Тиллаев, врач Ўринбой Боймуров, нафақахўрлик гаштини сураётган Вали Ханнанов, шоир Ўрол Бойқобил, Йўлдошбек Кенжа каби ижодкор, китобхонлар бор... Керак бўлган китобларни ана шулардан топаман. Бу билимдонлар билан «ҳамдард» бўлиб қолганман. Талашамиз, тортишамиз, фикрлар алмашамиз. Бу лаззатни китобга ошно бўлганлар, дунёвий билим ва фалсафаларни англаб етадиганларгина сеза олади.

Меҳмон билими ҳақида ҳисобот беряпти-ю, менинг бошим эгиляпти. «Шулардан бирининг асарлари ҳақида мендан сўраб қолса-чи?! Ўқиган бўлсам-ку, яхши. Ўқимаган ва билмайдиган бўлсам, нима деган одам бўламан». Йўқ, мени уялтирадиган сўров қилмади.

— Устоз, — деди гап мавзуини буриб. — Китобларингиз жуда оз экан. Булгаков, Толстой, Албер Камю, Абдураҳмон Жомий, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Жамол Камоллар бор экан. Жуда яхши. Аммо, сиз зиёли, ижодкор одамсиз. Жаҳон адабиётининг бошқа намуналари ҳам жавонингизда бўлсин.

— Оз-оздан йиғаяпман, — бошқа важни кўндаланг қила олмадим. — Янаги келишингизга сиз айтган китобларни қидириб топишга ҳаракат қиламан.

Сўфийлик, модернизм, фантастика ҳақида суҳбат қилдик. Меҳмон мендан таҳлил ва тавсиф жиҳатдан билимдонлик қилар эди. «Катта ёзувчи ёки адабий танқидчига ўхшайди. Пойтахтдан келиб, ижодкорларнинг яшаши билан қизиқиб, танишмоқчи бўлиб келган», деб ўйлайман.

Уни меҳмонхонага таклиф қилдим. Бир пиёла чой устида бир-биримиз билан танишиб олдик.

— Мен Қамаши шаҳрида яшайман, врачман. Отим Абрай, фамилиям Бекмуродов, — ўзини таништирди меҳмон. — Бир ойлар бўлди, уйингизга келиб, танишиб кетаман, деганимга. Кўнглимга ўтирган шоир-ёзувчилар билан суҳбатлашиб, ижоди билан танишгим келади.

— Танишганимдан хурсандман. Янги йилда янги қадрдон топдим, деб ўйлайман. Менам сиздек билимдонларни ҳурмат қиламан. Қани эди сиздек китобхонлар кўп бўлса. Ёзасизми?

— Йўқ! Ўқувчиман. Айтдим-ку, китобни, китоб ўқишни яхши кўраман, деб.

Меҳмонга меҳрим товланиб кетди.

«Врач бўлса... Китоблар ҳақида фикрлашини қаранг-а?!».

Қирқ йил тил-адабиётдан дарс бериб, Алишер Навоийнинг икки мисра ғазалини ёд билмаган, Абдураҳмон Жомийнинг туғилган йилини айтиб беролмайдиган, Бобур Мирзонинг кимлигини аниқ билмайдиган, ҳозирги кун шоир ва ёзувчилари ҳақида маълумотга эга бўлмаган ўқитувчиларнинг кўпини кўрганман.

Бир гурунгда Сергей Есенин ижоди ҳақида гап кетди. Ҳар ким билганича гапириб, шеърларини муҳокама қилдилар. Шу суҳбатда 30 йил тил-адабиётдан дарс бериб келаётган ўқитувчи ҳам қатнашаётган эди. Гурунгга қўшилиб, сўради:

— Вилоятнинг иккинчи котиби бўлган Есенин ҳақида гапиряпсизларми?

Ўқитувчининг бу сўровидан даврадагилар карахт бўлиб қолди. Аммо, истиҳола қилиб ҳеч ким ўқитувчининг юзидаги пардасини очиб ташламади.

Баҳоли-қудрат меҳмоннинг иззат-ҳурматини қилдик...

— Ҳали кўп келаман, — деди меҳмон ижозат сўраб. — Суҳбатларга тайёр туринг. Мен сиздан кўп сабоқ олишни кўнглимга тугиб қўйганман.

Биз қадрдонлардай қучоқлашиб хайр-хўш қилдик. Илму урфон тўла сеҳрли сандиқни қўлдан чиқариб қўйгандек, меҳмонни кузатиб қўйдим. Миллионлаб бундай яхши одамлар, илм нурини маёқ қилиб, инсониятни зулматлардан нурли йўл, нурафшон манзиллар сари эргаштириб борувчи сарбонлар ҳисобланадилар. Ахир, бу ёруғ олам илмнинг нур ва зиёси билан мунаввар ва гўзал эмасми?

Турсунбой БОЙМИРОВ

Бор бўл, оқибат!

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Олмазор туманидаги 24-Меҳрибонлик уйида Наврўз байрами кенг нишонланди. Тантаналар асносида 16 нафар тарбияланувчиларнинг суннат тўйи ҳам бўлиб ўтди. Ушбу байрамда туман ҳокими ўринбосари Санжар Ҳамидов, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муқаддам Расулова, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўйича бош мутахассиси Нигора Ўрозова, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Абдухалил Раҳмонов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов ва маҳалла фаоллари иштирок этдилар.

Шу куни республика театр ва эстрада артистлари томонидан концерт дастури намойиш этилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ҳакимжон СОЛИҲОВ,
олган суратлар

Кўргазма

Наврўз нашидаси, баҳор кайфияти, табиатнинг гуллаб-яшнаши, жаннатмонанд юртимизнинг фаровон, обод турмуш тарзи тасвирий санъат усталари яратаётган ранг-баранг асарларнинг доимий мавзусидир. Улар хоҳ воқеабанд композиция, хоҳ манзара, натюрморт, портрет асари бўлсин, барчасида халқимиз ҳаёт тарзи лавҳалари бадиий образларда кўз ўнгимизда қайта жонланади.

СУРАТЛАРДА КЎКЛАМ НАФАСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида очилган «Наврўз — 2013» деб номланган кўргазмадан турли миллатга мансуб ижодкорларнинг 300 дан зиёд асарлари ўрин олди. Экспозициянинг марказий қисмида намойиш этилаётган Азамат ва Алишер Отабоевлар томонидан яратилган «Майдонтол», «Сижжак», «Ангренсой», Анвар Мирсоатов мўйқаламидан сайқал топган «Оқ тераклар», «Гул фасли», «Бўстонликда баҳор», «Март» деб номланган рангтасвирлар томошабинлар эътиборини тортмоқда.

Инсон фикрини чархлайдиган, уни фалсафий мушоҳадага ундовчи рамзий образларга бой воқеабанд асарлар қаторида намойиш этилаётган Акмал Нур мўйқаламига мансуб «Наргис», «Илоҳий инобат», «Олтин ҳомила», «Жозиба», «Хаёллар оғушида», Ҳуршид Зиёхонов тасвирлаган «Рақс», «Қуроқчилар оиласи», «Тўнғич», Файзулла Аҳмадалиев яратган «Остонада», «Сарчашма», Эркабой Машариповнинг «Эркинлик» номли композициялари мавзу кенглиги, мазмунининг теранлиги билан ажралиб туради.

Баҳор фаслининг ўзига хос хусусиятлари, табиат манзараларининг «Баҳорий боғ», Р.Худойбергановнинг «Адирда», «Янгиланиш», «Баҳор шабадаси», Д.Мамедованинг «Тоғда баҳор», «Ёруғ кун» номли рангтасвирлари ҳам бор. Улар ўз муаллифларининг юксак маҳоратини намоён этиб турибди...

Маълумки, натюрмортлар турфа мева ва сабзавотларни бадиий тарзда акс эттирувчи энг оммавий жанрлардан биридир. Рассомларнинг бу борадаги муваффақиятлари эса Ҳ.Султоновнинг «Баҳорни соғиниб», Ш.Қўзиеванинг «Лолақизғалдоқлар», «Гулсафсар», И.Шиннинг «Май гуллари», З.Исломшиковнинг «Хонатлас фонидаги натюрморт», «Қумғонли натюрморт», Е.Мельниковнинг «Пионгуллар», С.Шиннинг «Атиргуллар» каби асарларида ўз исботини топган...

Кўргазмадаги портретлар ҳам реалистик йўналишда бажарилгани боис диққатни тортади. Бундай сифатни Ҳ.Султоновнинг «Келинчак», Г.Саидовнинг «Ҳожи она», А.Тўлабоевнинг «Момо» каби асарларида кўришимиз мумкин.

Намойишга қўйилган графика намуналари ҳам ижодий ёндашувнинг ноёб белгиларини ўзида мужассам этган. Шундай сара ижодий ишлар М.Фозилийга тегишли бўлиб, улар «Орзулар дарахти», «Севишганлар боғи», «Ўтирган қиз», «Чексизлик гули» деб номланган...

Кўргазма 15 апрелгача давом этади.

Баҳром ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом-санъатшунос

Реклама ва эълонлар

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ
очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2013 йил 25 апрел куни соат 11:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан Бухоро вилоят хўжалик судининг 21.11.2011 йил 2-1102/16904-сонли қарздор «Бухороқурилиш» ХЖ дан Бухоро шаҳар ДСИ фойдасига 132 755 804 сўм солик қарзи ва бошқа ижро ҳужжатларига асосан хатланган, Бухоро шаҳар саноатчилар кўчаси 14-уйда сақланаётган: 1980 й и/ч «КБ-308» русумли кран башенный, завод рақами 131, бошланғич баҳоси 70 411 400 сўм; Форма «ФСБ-24.4.6», 20 дона, бошланғич баҳоси 17 611 236 сўм; Форма «ФО-2» (стакан) 4 дона, бошланғич баҳоси 3 174 070 сўм; Станок токарный «Болгария CU-630/1500», бошланғич баҳоси 14 780 860 сўм.

Мазкур мулклар 2013 йил 25 апрел куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2013 йил 10 май куни соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 га қадар Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават Вилоят Давлат мулки бошқармаси биносида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан 1 (бир) кун олдин соат 10:00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари ушбу бинонинг 4 қаватдаги савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда (ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖ Бухоро вилоят филиалининг «Турон банк» Бухоро вилоят филиалидаги МФО: 00111, СТИР: 302083379, 20208000104932168019 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун тел: (8365) 223-97-14. **Гувоҳнома № 004059**

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар!

«TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти Сизларни музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдосига таклиф этади.

Оммавий оферта савдоларига Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Ёнариқ» ҚФЙ, Б.Муҳитдинов кўчасида жойлашган, умумий майдони — 969,70 кв.м бўлган Литер 0005-Бостирма ёпиқ, Литер 0006-Омборхона, Литер 0007-Бостирма, Литер 0008-Омборхона, Литер 0009-Омборхона ва Литер 0010-Хизматчи хоналаридан иборат бино ва иншоотлар қисми қўйилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар, «TASHKENT PROF INVEST» МЧЖ риэлторлик ташкилоти билан ўрнатилган тартибда риэлторлик хизматини кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тузишлари ҳамда ўзларининг акцепт аризаларини топширишлари лозим. Савдо объектини сотиш бўйича музокаралар, талабгорларнинг акцепт аризаларидаги таклифлар ушбу оммавий оферта савдолари шартларига мос келган тақдирда олиб борилади.

Савдо ғолибига савдо баённомаси имзоланган кундан бошлаб йигирма кун муддат ичида Сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш, шартномада кўрсатилган тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш мажбуриятлари юклатилади. Шунингдек, мазкур бино ва иншоотлар қисмини сотиб олган харидорга, ушбу жойда мевани қайта ишлайдиган цех ташкил этиш тавсия этилади.

Музокаралар ушбу эълон чиққан кундан бошланади ва юқоридаги бино ва иншоотлар қисми сотилгунга қадар, ҳар куни соат 15:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хонада ўтказилади.

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-20-13, телефакс: 233-23-40.

Лицензия № RR-0109

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашма кенгашининг бўлим мудири Шарофиддин Бахриддиновга укаси
Ўткиржон БАХРИДДИНОВнинг
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси бирлашма кенгашининг етакчи мутахассиси Тўлибой Тўйчиевга онаси
Уралай САИПОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari:
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
9 772010 500009
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
N.Rafiqov
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 20. 00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 411 | 20265 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5